



Сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш 2014 йил 17 октябрда бошланади ва 2014 йил 6 ноябрда тугайди

Халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ислохотлар самаралари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида 6 октябр кунин Андижон вилоятига ташриф буюрди.

Андижон вилояти улкан иқтисодий салоҳияти билан мамлакатимиз тараққиётида алоҳида ўринга эга. Ривожланган sanoat тармоқлари ва қишлоқ хўжалиги, фидойи инсонлар меҳнати барча соҳаларни изчил тараққий эттиришида муҳим омили бўлмоқда. Вилоят маркази, шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгариб, обод бўлиб, аҳолининг ҳаёт даражаси юксалиб бораётди.

Замонавий sanoat тармоқларини ривожлантириш, янги корхоналар барпо этиш ва мавжуд қувватларни модернизация қилиш изчил давом эттирилмоқда. 2013-2015 йилларда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида шу йилнинг январь-сентябрь ойларида умумий қиймати 253 миллиард сўмлик 2 минг 815 лойиҳа амалга оширилди ва 24 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кенг қўллаб-қувватланаётгани, бундай субъектлар экспорт фаолиятига жалб этилаётгани самарасида вилоятда хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш ҳажми муттасил ошиб бормоқда.

Жорий йилда вилоятда 80 минг гектардан ошмиқ майдонда галла экилиб, 500 минг тоннага яқин ҳосил олинди. Бугунги кунда 93 минг 400 гектар майдонда етиштирилган пахта йиғиб-териб олинмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов Олтинқул туманидаги «Кўҳна водий баҳори» фермер хўжалиги далаларида бўлиб, фермерлар, вилоят фаоллари билан суҳбатлашди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги учун муҳим бўлган шу кунларда сизлар билан учрашиб, барчангизга қувват тиллаш менга катта мамнуният бағишлайди, деди давлатимиз раҳбари.

Собик тузум даврида Ўзбекистон бутун иттифоқи пахта билан таъминлаган. Лекин шунга яраша хурмат, рўшнолик кўрмаган. Халқимиз ишдан қўли совиб, ҳаётдан ноумид бўлиб қолган эди. Биз ерни одамларга бериб, уларда эгаллик ҳиссини шакллантириш орқали бу асоратлардан халос бўлдик. Чунки ўзимизники деган туйғу одамга қуч-қувват бағишлайди, деди Юртбошимиз.

Президентимиз пахтачиликда муайян ҳудуд иклими ва тупроқ шароитига мос серхосил, сифатли тола берадиган янги навларни яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Пахтанинг хусусиятлари, сифат кўрсаткичлари жуда кўп, деди Ислам Каримов. Эртапишарлиги, ҳосилдорлигининг юқорилиги, толанининг узунлиги, пишқиллиги шулар жумласидандир. Пахта етиштиришда, авваламбор, нав танлашда ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ҳар бир ҳудуднинг тупроғи ва иклимига мос навларни экиш керак.

Фермерлар билан мулоқот чоғида одамларнинг яшаш тарзи, онгу тафаккури ўзгараётгани, шаҳар ва қишлоқларимиз кундан кун чирой очиб бораётгани, буларнинг барчаси мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик шарофати экани таъкидланди. Ешларимиз ҳеч кимдан кам бўлмай улғайиб, барча соҳаларда катта ютуқларга эришаётгани халқимиз қалбини гурурга тўлдирётгани алоҳида қайд этилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, барпо этилаётган кўркам уй-жойлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, замонавий кор-

хоналар, кенг ва раvon йўллар шаҳару қишлоқларимиз қиёфасини бутунлай ўзгартириб, халқимиз фаровонлигининг юксалишига хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Андижон вилоятда ҳам кенг қўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Президентимиз Олтинқул тумани «Далварзин» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда бунёд этилган замонавий уй-жой массивини бориб кўрди.

Бу йил вилоятнинг 31 қишлоқ массивида намунавий лойиҳалар асосида 977 уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Янги массивларда табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви тармоқлари тортилиб, ички йўллар қурилди. Маҳалла гузарлари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, спорт мажмуалари бунёд этилди.

«Далварзин» маҳалла фуқаролар йиғинидаги массивда ҳам деҳқон бозори, савдо мажмуаси, non цехи, стадион, болалар ўйин майдончаси ва дам олиш жойлари қурилди.

Президентимиз янги лойиҳа асосида уй-жой қурилиши учун ажратилган ер майдони 6 сотих қилиб белгилангани, автомобиль учун алоҳида дарвоза ва уни сақлаш учун махсус жой кўзда тутилгани, хоналар халқимизнинг менталитети ва турмуш тарзидан келиб чиққан ҳолда жойлаштирилгани, улар майдони кенгайгани одамларимизнинг талаб ва истакларига жавоб беришини қайд этди.

Ислам Каримов янги уй соҳибларидан бири — Отабек Қобулов хонадониди бўлиб, бу ерда яратилган қулайликлар билан танишди, хонадон соҳибларининг ҳаёти, орзу-истаклари билан қизиқди.

— Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги байрами арафасида мана шундай замонавий, кўркам уйга кўчиб ўтдик, — деди хонадон соҳиббаси Нигорахон Қобулова. — Бу ерда оила учун барча шароит ва қулайлик яратилган. Бу айниқса биз, аёлларнинг оғирини енгил қилишга қаратилган. Бундай юксак ғамхўрлик, қишлоқ аҳлига кўрсатаётган доимий эътиборингиз учун Сиздан жуда миннатдоримиз.

Бу саъй-ҳаракатларимиз инсон учун, фарзандларимизнинг келажакга учун. Бундай уйларида яшаган болалар ҳар томонлама соғлом, мустақил фикрли бўлиб вояга етади. Чунки инсоннинг яшаш тарзи унинг дунёқарашига ҳам таъсир қилади. Биз бир пайтар ҳоҳу қилганимиздек, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлади, деди Юртбошимиз.

Давлатимиз раҳбари қишлоқ аҳли ҳеч кимдан кам бўлмай яшашига ҳақли эканини ва бу йўлда амалга оширилаётган ишларни изчил давом эттириш ҳамда мунтазам такомиллаштириб бориш лозимлигини таъкидлади.

Ислам Каримов Андижон шаҳридаги Истиклол кўчаси ва бу ерда қад ростлаган замонавий бинолар билан танишди.

Амалга оширилган қурилиш ва реконструкция ишлари натижасида кўча сўлими сайилгоҳга айланган. Замонавий савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, фаввора ва ўриндиқлар бунёд этилиб, аҳолининг ҳордиқ чиқариши учун кенг қулайлик яратилган.

Президентимиз кўча қиёфасини янада яхшилаш, биноларга безак беришда ранглар мутаносиблигини таъминлаш, йўл бўйларини ободонлаштириш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

Буларнинг барчаси мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг ёрқин ифодаси бўлиб, аҳоли фаровонлигининг янада юксалишига хизмат қилмоқда.

Анвар САМАДОВ, Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ, ЎЗА махсус мухбирлари

ТАҲРИРИЯТДА ДАВРА СУҲБАТИ



Ҳар бир мамлакатда демократик жараёнлар даражаси аввало сайловлар қанчалик очик, ошқора, адолатли ўтиши ва албатта, фуқаролар фаоллиги билан белгиланади. Бу тамойиллар эса сайловчиларнинг ҳуқуқий ва сиёсий билими, маданиятига боғлиқ.

Мен сайловда биринчи марта овоз бераман

Бизнинг овозимиз мамлакатимиз эртанги кун қандай бўлишини белгилаб беради

2

САЙЛОВ — 2014

Барча сиёсий партиялар сайловда иштирок этиш учун ҳужжатлар топширди

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 7-моддасига биноан парламентнинг Қонунчилик палатасига сайлов бир юз ўттиз бешта ҳудудий бир мандатли сайлов округи бўйича кўлпартиявийлик асосида ўтказилади.

Шу билан бирга, сиёсий партиялар томонидан сайловчиларнинг партияни қўллаб-қувватловчи имзоларини тўплаш жараёни якунланди. Ҳар бир партия сайловда уни қўллаб-қувватлайдиган сайловчиларнинг камида қирқ мингта имзосини тўплаши зарур эди. Бунда мамлакатимизнинг битта маъмурий-ҳудудий тузилмасида тўпланган имзолар сони талаб этилган имзолар сонининг саккиз фоиздан ошмаслиги лозим.

6 октябрь кунин Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий сайлов комиссиясига парламент сайловда иштирок этиш учун зарур ҳужжатларни тақдим қилди.

Шундай қилиб, барча сиёсий партиялар: Тадбиркорлар ва ишбилармон-

лар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси парламент сайловида иштирок этиш учун тегишли ҳужжатларни Марказий сайлов комиссиясига топширди.

Марказий сайлов комиссиясида имзо varaқалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш бўйича ишчи гуруҳи ўз ишини давом эттирмоқда. Унинг таркибиде Марказий сайлов комиссияси аъзоланган мuddатда партиянинг сайлов вакиллари, ички ишлар, адлия органларининг, шунингдек, аҳолини ҳисобга олиш билан шуғулланувчи муассасаларнинг мутахассислари бор.

Имзо varaқаларини текшириш жараёнида ҳар бир сиёсий партиянинг ваколатли вакили ҳам иштирок этапти.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида қонунда белгиланган мuddатда партиянинг сайловда қатнашишига ижозат бериш тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилади.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун сиёсий партиялардан ҳужжатлар қабул қилиш 2014 йил 9 ноябрда тўхтатилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш 2014 йил 16 ноябрда тугайди.

Тинчлик ҳукмрон мамлакатда туризм ҳам ривожланади

Кеча «Ўзэкспомарказ»да «Ипак йўлидаги туризм» XX Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси очилди.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси ва «Буюк ипак йўли» реклама агентлиги томонидан БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО) кўмагида ташкил этилган мазкур форумнинг очилишида мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг сайёҳлик фирма ва компаниялари, меҳмонхоналар вакиллари, соҳа мутахассислари ҳамда юртимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

3

Дилбар ХОЛЖИГИТОВА, таэквондо (ITF) бўйича 9 карра Ўзбекистон чемпиони, икки карра Осиё чемпиони, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси, ЎЗДЖТУ талабаси:

— Ҳар гал «Ўзбекистон овози» газетасини қўлимга олганимда биринчи бўлиб, спорт янгиликларига кўз ташлайман. Халқаро майдонларда тенгдошларим эришган ютуқларни кўриб, дил-дилимдан қувонаман. Ёш сиёсатчилар, иқтидорли талабалар ҳақидаги мақолаларни завқланиб ўқийман...



«ЎЗБЕКISTON OVOZI»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

Обуна индекси — 220

Мен сайловда биринчи марта овоз бераман

Бизнинг овозимиз мамлакатимиз эртанги куни қандай бўлишини белгилаб беради

Сайловчи қайси сиёсий партия вакилига ён босади, қайси номзодни қўллаб-қувватлайди, бу танловда қайси мезонларга суянади? Сайловда илк бор овоз берадиган ёшлар-чи? Улар сайлов нима экани, ўз овозлари мамлакат тараққиётида қандай аҳамиятга эгаллигини қанчалик тушуниб етишяпти?

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари бирлашган таҳририятида ўтказилган давра суҳбатида шу каби саволлар юзасидан фикр юритилди.

Давра суҳбатида бу йил сайловда биринчи марта иштирок этадиган бир гуруҳ истеъдодли ёшлар, партиямизнинг эл-юрт ҳурматига сазовор фаоллари қатнашди.

Тадбир ЎзХДП сафига қўшилган бир гуруҳ истеъдодли ёшларга партиёга аъзолик гувоҳномаларини тантанали равишда топширишдан бошланди. Ушбу давра суҳбатининг эсда қоларли яна бир жиҳати шундаки, ЎзХДПга аъзолик гувоҳномаларини таниқли санъаткор ва ижодкорлар топширишди.

Давра суҳбатини очар экан, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Сафар Остонов мамлакатимиз катта сиёсий ва тарихий воқеа арафасида турганини таъкидлади. Сайловларнинг қандай ўтиши аввало, фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятига, хусусан, мамлакатимиздаги сайловчиларнинг катта қисминини ташкил этадиган ёшларнинг фаол фуқаролик позициясига боғлиқлигига эътибор қаратди.

— Бугун сиз ёшлар партиямиз аъзо-

лигига қабул қилингиз, энди оддий талаба эмассиз, сиёсий партиянинг аъзосисиз. Демак, сиёсатчисиз. Эртага сайловларда ҳам оддий фуқаро эмас, балки сиёсий партия аъзоси сифатида овоз берасиз. Бунинг масъулияти катта. Ҳар бирингиз кимга ва нима учун овоз беришни чуқур ўйлаб қарор қилишингиз керак бўлади. Энг муҳими, ўз овози мамлакат тараққиётида қандай аҳамиятга эга эканини англаб олган, мустақил фикрга эга ёшлар қанча кўпайса, партиямиз кучи ҳам шунча ошади. Бугунги давра суҳбатида айнан шу масалада фикрлашиб олмақчимиз.

Шарбат АБДУЛЛАЕВА, ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:



пайтларда партиямиз фаолиятига ёшларнинг қизиқиши тобора ортиб бораётганига ҳам айнан бизнинг шу каби амалий ишларимиз сабаб бўлмоқда, деб ўйлаймиз.

Бугун Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари, республика танловларида голиб бўлган истеъдодли ижодкор ёшлар, спорт соҳасида Осиё чемпионларининг партиямиз аъзолигига қабул қилиниши бошқа ёшларда ҳам сиёсий партияларга нисбатан эътибор ва қизиқиш ўйотиши табиий, албатта. Сиз ёшлар нега айнан Халқ демократик партиясини танлаганингизни тенгдошларингизга гапириб берсангиз, унинг маънаси ва гоёларини фаол тарғибот қилсангиз, бизнинг гоёларимиз янада омалашади, аҳолининг партиямиз фаолиятини хабардорлиги ошади. Яна бир масалани алоҳида таъкидламоқчиман, партиямиз сиз каби истеъдодли, фаол ёшларга суянади. Булажак сайловларда ҳам сизларнинг сўзингиз, овозингиз партиямизга куч-қувват бағишлашига ишончимиз комил.

Шухрат ТУРСУНБОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Сайловда ҳар бир кишининг овози муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан, биз нафақат партиямиз тарғиботини кучайтиришимиз, балки иқтисодчи, сиёсатчи, ижодкор ёшлардан иборат тарғибот гуруҳини шакллантиришимиз керак. Эндигина овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир сайловчининг кўнглида мен биринчи марта овоз бераман, демак, менинг овозим бор ва мен юртимизнинг эртанги тақдирини ҳақиқатан ўйлаб кўриб, кейин қарор қабул қилишим керак, деган фикрни уйғотишимиз керак. Афсуски, орамизда менинг овозим нимани ҳам ҳал этарди, деб ўйловчилар ҳам йўқ эмас. Агар минглаб сайловчи



шундай деб ўйласа-чи... Демак, ҳар бир овоз берувчи фуқаро ўз овози депутатликка номзоднинг тақдирини ҳал қилувчи таъсир кўрсатаётганини англаши керак.

Ўйлаймизки, ўз тақдирини мамлакат тақдирига

чамбарчас боғлаган ҳар бир ёш сайловчи яқинлашиб келаётган сайлов жараёнларида фаол иштирок этади ва албатта бугунги давра суҳбатида қатнашаётган ёшлар бу борада уларга ўрнатилган кўрсаткичлар

Эркин КОМИЛОВ, Ўзбекистон халқ артисти:

— Бу сайловлар мамлакатимизнинг тақдирига касбу қоримиз, ёшимиздан қатъий назар ҳар биримизга дахлдор масала. Шундай экан, юртининг бугунги ва эртанги куни билан боғлиқ масала ҳал бўладиган сайловларда ҳар бир фуқаро фаоллик ҳамда масъулият билан иштирок этиши зарур. Бу жараёнда ўз мустақил фикримиз, мустақил фуқаролик позициямиз бўлиши керак. Шу маънода, давра суҳбатида иштирок этаётган ёшларнинг Ўзбекистон Халқ демократик партиясига аъзо бўлиш ҳақидаги қарорини ҳурмат билан қабул қилдим. Энди бу ёшлар нафақат шу йил

охирида бўлиб ўтаётган сайловларда, балки бундан кейин ҳам партиямиз сафида туриб, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этади.

Мен бу ёшларни катта сиёсатга ташланган дастлабки қадам билан табриқлайман.

Хизмат сафари билан тез-тез юртимизнинг чекка-чекка ҳудудларида бўламан. Ўзгаришлар, янгиликлар, бунёдкорликлар ҳар қандай кишининг ҳавасини тортади, албатта. Шу билан бирга, партиямизнинг жойларда аҳолини манзилли ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ амалий ишларини кўраётган. Буни



Савоҳир ШОТУЛАГАНОВ,
Фотруҳ АЛИЕВ олган суратлар.

одамлар эътироф этаёпти. Мана, сизлардек истеъдодли ёшлар қанча кўпайса,

партиямиз дастурий мақсадлари амалга оширишнинг кафолати ҳам шунча мустақкам бўлади.

Маҳмуд ТОИР, Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси, Олий Мажлис сенати аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири:



— Бугун ўз билими ва куч-қудрати билан юксак марраларга эришаётган бир гуруҳ ёшларга партиёга аъзолик гувоҳномаларини топширар эканмиз, кўнглимдан ўзгача

хислар ўтди. Чунки уларнинг аксарияти кўпчиликка ўрнатилган кўрсаткичларга эришган бўлиб, тенгдошлари уларнинг фаолиятига қараб қадам ташлайди. Мен бу ёшлар партиямизнинг муносиб фаоллари бўлиб етишишига ишонаман.

Аввало ҳар бир сиёсий партия ўз гоёларини ҳимоя қилиб, сайловларда кўпроқ овоз тўплашга ҳаракат қилади. Сайловлар юртимиз тинчлиги, ижтимоий-иқтисодий кудратини мустақкамлаш, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилиши керак. Бунда мамлакатимиз ёшлари ҳам ўзларининг фуқаролик позицияларини фаол намойиш этиши зарур, деб ҳисоблайман.

Сухроб ТУРСУНОВ, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти талабаси, дзюдо бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган олимпиада чемпиони:



— Аввало сайловда қатнашим мени жамият ҳаётидаги сиёсий жараёнларнинг тенг-ҳуқуқли иштирокчиси эканлигимни англади. Бу билан мен муносиб депутатларнинг сайланишига ўз ҳиссамни қўшаман. Яна бир муҳим томони шундаки, мен сайлаган депутат қонунлар қабул қилинишида ҳам фаол рол ўйнайди. Қонунлар эса давлат бошқарувида муҳим аҳамиятга эга экан. Уларга бутун жамият, шу жумладан, мен ҳам итоат этаман. Демак, менинг овозим ҳам давлатни, ҳам жамиятни бошқаришда муҳим аҳамиятга эга экан. Халқ демократик партиясининг гоёларини маъқул кўриб, унга аъзо бўлдим. Келажақда шу партиядан кўрсатилган номзодга овоз беришни мақсад қилдим.


Достон РЎЗИЕВ, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти талабаси, дзюдо бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган II Осиё ўйинлари голиби:



— Баъзи бировлар сайлов ҳақида гап кетса, «Битта овоз ҳеч нарсани ҳал қилмайди», деган гапни айтади. Мен уларга ўз соҳам мисолида жавоб берган бўлар эдим. Спортда кичик бир очко фарқ билан ҳам рақибни мағлубиятга учратса бўлади. Сайловда ҳам ҳар битта овоз катта аҳамиятга эга.

Мен бугун ЎзХДП аъзоси бўлдим. Энди сайловга катта масъулият билан қарайман. Биринчи марта овоз беришимни ўйласам, кун қувонаман, ҳам ҳаяжонланаман. Бугунги давра суҳбатида бир ҳақиқатни англадим. Биз депутатликка номзодга овоз бераётганда аввало ўзимиз учун, эртанги кунимиз учун овоз берар эканмиз.

Жавлон ВАФОВ, Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабаси:



— Айтилик, мен сайловда иштирок этадими. Демак, мен ҳеч қандай сиёсий жараёнлар иштирокчисига айланмадим. «Шунча одамлар қатнашаёпти-ку, мен бормасам, ҳеч нима қилмайди», деб ўйласам жуда катта хатога йўл қўйган бўламан. Мен ўзимнинг жуда муҳим ҳуқуқимдан фойдаланмаган, ваҳоланки, бу ҳуқуқдан ўзимни ўзим маҳрум этган бўламан. Мамлакат тақдирини билан боғлиқ жараёнлардан четда турган кишига қандай баҳо бериш мумкин? Шу юртда яшаб, унинг ҳаётидаги муҳим воқеага бефарқ бўлиш мумкинми? Буни ҳар биримиз ич-ичимиздан чуқур ўйлаб кўришимиз керак...

Мен сайловда фахр билан қатнашаман. Бу воқеа бир умр ёдимда қолади.

Давра суҳбатини «Ўзбекистон овози» муҳбири Бобур ЭЛМУРОДОВ ёзиб олди.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Сайловда илк бор қатнашиш, овоз бериш бу — инсон ҳаётидаги унутилмас воқеадир. Бундай пайтда ҳар ким ҳам ҳаяжонланади, қувонади... Аммо бу жараёнда энг муҳими масъулиятни ҳис этиш, ўз овози аҳамиятини англаб етиш.

Бугунги давра суҳбатида қатнашган ёшлар масаланинг айрим жиҳатлари ҳақида сўз юритишди. Бу фикрлар бошқа ёшлар ўртасида ҳам давом эттирилади, деб умид қиламиз. Бу ишда ЎзХДП вилоят кенгашлари, «Истиқбол» ёшлар қанотлари ташаббускор бўлишига ишонамиз.

Жаҳонда барча турдаги сайёҳлик хизмати кўрсатадиган компанияларни бирлаштирадиган мазкур ихтисослаштирилган кўргазма мамлакатимиз ва чет эл сайёҳлик бизнеси мутахассислари учун мўлжалланган. Бу йил ярмаркада Жанубий Корея, Испания, Австрия, Швейцария, Ҳиндистон, Малайзия, Бирлашган Араб Амирликлари, Таиланд, Сингапур, Венгрия, Чехия, Руминия, Латвия, Польша, Индонезия, Эрон, Туркия каби дунёнинг қирқдан ортиқ мамлакатидан кўплаб фирма ва компаниялар вакиллари иштирок этмоқда.

ТИНЧЛИК ҲУҚМРОН МАМЛАКАТДА ТУРИЗМ ҲАМ РИВОЖЛАНАДИ

— Ўзбекистоннинг сайёҳлик бозори биз учун гоят истиқболли. Мамлакатимиз сайёҳлик салоҳияти изчил юксалиб бораётди, — дейди Бирлашган Араб Амирликлари «Alpha Tours» компанияси бошқарувчи директори Аднан Ариди. — Ўзбекистондаги тинч ва осуда, фаровон ҳаёт сайёҳларнинг бу юртва саёҳат қилишга бўлган иштиёқи ошмоқда. Юртингизда сайёҳликни жадал тараққий эттириш учун барча омиллар мавжуд. Биз ўзбекистонлик ҳамкасблар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик алоқаларини ўрнатидан манфаатдоримиз.

Ярмаркадан ўрин олган «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат миллий павильони»да мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан ўнлаб сайёҳлик фирма ва компаниялари иштирок этмоқда. Экспозициядан Ўзбекистоннинг ҳудудий маъмуриятлари ва сайёҳлик компаниялари билан бир қаторда ўқув ва соғломлаштириш марказлари, театрлар, музейлар, сайёҳлик агентликлари, «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг ҳудудий бўлиmlлари, Хусусий сайёҳлик ташкилотлари уюшмаси ҳам ўрин олган.

Ташкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси доирасида энг яхши сайёҳлик йўналиши тақдими, компания ва меҳмонхона тақдими, энг яхши стенд, тематик бўлим ва туристик имкониятлар, энг яхши сервис, энг яхши дизайн, кўп йиллик ва сермахсул ҳамкорлик каби қатор йўналишларда танловлар бўлиб ўтади.

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбири

МУНОСАБАТ

Туризм истиқболли

иқтисодиёт тараққийига, янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилади

Самарқанд шаҳрида БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ижроия кенгашининг 99-сессиясида Президентимиз Ислоҳ Каримов сўзлаган нутқи кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Президентимиз томонидан туризмни ривожлантириш бўйича билдирилган тақлифлар мазмун-моҳияти билан ЎзХДП ғояларига ҳамоҳанглик.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида янги иш ўринлари яратиш, аҳолининг реал даромадларини ошириш, кам таъминланган кишиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Туризм соҳаси эса иқтисодиётнинг юқори даромад келтирадиган ва ҳозирда жадал ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади.

Шу боис Президентимиз нутқида билдирилган фикрлар ЎзХДПнинг барча даражадаги партия ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари томонидан чуқур ўрганилмоқда. Туризмни янада ривожлантириш янги иш ўринлари яратилиши, аҳоли даромадларини ошириш, мамлакатни тараққий эттиришда муҳим аҳамиятга эга экани хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда.

Амрулла АБДУЛЛАЕВ, халқ депутати Самарқанд шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси, «Амир Темур» мақбараси директори:

— Бугунги кунда туризм — дунё мамлакатлари ва халқларини ўзаро яқинлаштирувчи, маданиятларни бирлаштирувчи муҳим воситага айланмоқда. Истиқлол йилларида мамлакатимизда юз берган изчил тараққий, энг асосийси, тинчлик ва осойишталик тўғрисида қарор қилинган сайёҳлик оқими бир неча баробар кўпайди.

Президентимиз Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ижроия кенгашининг сессиясидаги нутқида қуйидаги фикрларни билдирди: **...Тинчлик ва хавфсизлик бўлмаган жойда эса ҳеч қандай сайёҳлик бўлиши мумкин эмас. Бу ёдгорликларни кўриш учун ким жонини хавф-хатарга қўяди? Агар шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, бугунги кунда тинчлик-**

осойишталик ва турли халқлар ўртасидаги ўзаро бир-бирини тушуниш қандай хал қилувчи омил эканини яхши англаймиз.

Хорижлик меҳмонлар эътироф этаётганидек, Ўзбекистонда сайёҳлик инфратузилмаси тобора ривожланиб, транспорт, меҳмонхона ҳамда замонвий ахборот технологиялар билан боғлиқ масалаларда юксалиш кўзга ташланмоқда. Сайёҳларнинг мамлакатимизга ҳеч қандай тўсиқларсиз келиши учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Жаҳон сайёҳлик ташкилоти сессиясининг айнан Самарқандда ўтиши эса Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб беради.

Халқаро анжуман иштирокчилари Регистон мажмуаси, Ҳўжа Дониёр мақбараси, Мирзо Улугбек расадхонаси, «Афросиёб» музейи каби диққатга сазовор жойлар қаторида Амир Темур мақбарасини ҳам зиёрат қилиши. Улар бу ёдгорликнинг салобати, қурилиши ҳамда унинг асл ҳолида сақлаб келинаётганига юқори баҳо беришди.

Шу ўринда алоҳида таъкидламоқчиманки, Амир Темур мақбарасини кўриш учун бутун дунёдан келётган сайёҳлар оқими йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Бу ерда улар учун барча қулайлик ва имкониятлар яратилган.

Халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳимиз томонидан туризмни ривожлантириш, шу йўналишдаги касб-хўнар коллежларини битираётган ёшларни иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Самарқандда ўтган бу анжуманда билдирилган тақлифлар мамлакатимизда туризмни ривожлантириш билан бирга кўплаб янги иш ўринлари яратишга хизмат қилади. Шу боис партия гуруҳимиз бу йўналишдаги вазифаларни амалга оши-




ришга муносиб ҳисса қўиши керак, деб ўйлайман.

Раимберган САБУРОВ, ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари:

— Туризм соҳасини ривожлантириш партияимиз дастурий мақсадларида кўзда тутилган — аҳолини иш билан таъминлаш, иқтисодиётни тараққий эттиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларидаги партия гуруҳлари туризм билан боғлиқ масалаларни доимий комиссия ва сессиялар муҳокамасига олиб чиқишга ҳаракат қилишди. Чунки, бу борада Хоразм вилоятида фойдаланилмаётган имкониятлар талайгина.

Президентимиз нутқида таъкидланганидек, 2013 йилда мамлакатимиз бўйича сайёҳлик хизматлари экспорти ҳажми 615 миллион доллардан зиёдни ташкил этди. Бугунги кунда туризм соҳасида 200 минг нафардан ортиқ киши меҳнат қилиб келмоқда.

Ўзбекистонда 550 та сайёҳлик компанияси — туроператорлари фаолият юритмоқда, мамлакатимиздаги тарихий объектлар, архитектура ва шаҳарсозлик обидаларининг аксариятини қамраб олган



UNWTO 99th SESSION
OF THE EXECUTIVE COUNCIL

SAMARQAND, UZBEKISTAN
1-3 OCTOBER

110 та халқаро сайёҳлик йўналиши бўйича сайёҳларга хизмат кўрсатилмоқда. Бу йўналишларнинг 65 таси тарихий-маданий меърос объектлари, 30 таси табиий-рекреацион, 15 таси соғломлаштириш туризм элементларини ўз ичига олган экологик йўналишлардир. Ҳозирда юртимизда 50 мингдан зиёд ўринга эга бўлган 500 дан ортиқ меҳмонхона, мотел ва кемпинглар сайёҳларга халқаро стандартлар бўйича хизмат кўрсатмоқда. Бу рақамлар мамлакатимизда туризм жадал ривожланаётганини кўрсатади.

Самарқанддаги анжуманда Президентимиз илгари сурган ҳаётий тақлифлардан келиб чиқиб, фикрлайдиган бўлсак, мамлакатимизда туризм катта истиқболга эга. Келажакда туризмнинг янада тараққий этиши кўплаб йўналишларда янги иш ўринлари яратилиши, инфратузилманинг ривожланишида муҳим ўрин тутати. Шу боис партия ташкилотлари ҳамда депутатлар туризмни ривожлантириш орқали аҳолини барқарор даромад манбалари билан таъминлашга энг устувор вазифалардан бири сифатида қараш лозим.

Нурали ОРИПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ОБУНА — 2015

— Ҳар йили биринчилардан бўлиб мазкур газетани ўқиламиз. Бу йил ҳам шундай бўлди. «ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ» — биз учун энг қадри газетани, — дейди Нарпай туманидаги Олтиўғил кишлоқ фуқаролар йиғини раиси, ЎзХДП аъзоси Саидмурод Жабборов.

ЎзХДП ғояларига хайрихоҳмиз

— Маълумки, ЎзХДПнинг мафқураси ва фаолияти — ижтимоий адолат, ижтимоий бирдамлик, демократия ва озодлик, ижтимоий барқарорлик, ҳар бир оила ва аҳоли фаровонлигига эришишга йўналтирилган. Бу эса бизнинг манфаатларимизга тўла мос келади. Шу боис ҳам кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда ЎзХДП хайрихоҳлари, унинг наشرлари ўқувчилари кўп.

Пахта бўйича давлат буюртмасини биринчи теримдаёқ уддалаган Норберди Эшмуродов бошчилигидаги «Нафисгул орзу НРО» ва Шокир Пазловлар раҳбарлигидаги «Хусниддин Парда» фермер хўжаликлари ҳам «Ўзбекистон овози»га бир нусхадан йиллик обуна бўлди.

— Мен учун «Ўзбекистон овози» газетаси сеvimли нашр, — дейди «Нарпай машъали» машина трактор парк раҳбари Шодиёр Дўстмуродов. — Менга газетанинг мазмун-мундарижасидан тортиб, унинг дизайни ҳам маъқул.

2014 йил 21 декабрда ўтказилган сайловга тайёргарлик ишлари қай даражадалиги, Парламент қўйи палатасидаги ЎзХДП фракцияси, партия Марказий Кенгаши фаолияти ва яна ижтимоий ҳимоя, бандлик масалалари каби бир қатор мавзулар мени қизиқтиради. Бундай мавзулардаги саволларимга «Ўзбекистон овози» орқали жавоб оляман. Айниқса, газетанда мамлакат ва жаҳон спорти янгиликларини ёритишга жиддий эътибор қаратиляпти. Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида ўтказилган XVII Осиё ўйинларида мамлакатимиз спортчиларининг муваффақиятли иштирокини ҳам мен айнан шу газетани орқали кузатиб бордим. Келгуси йилда ҳам сеvimли нашримиз бизни сермазмун мақолалари билан хурсанд қилади, деган умиддамиз.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Абдурусул САТТОРОВ тайёрлади.

«Жиззах» МИЗда дастлабки корхона фаолият бошлади

40 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди

Ҳудудий ислохотлар

Яқинда «Жиззах» махсус индустриал зонаси таркибига кирувчи дастлабки корхона ишга тушди.

Хусусан, ушбу «Куёш иссиқлик энергияси» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги кўшма корхона куёш нури билан сувни қиздирувчи ускуналар (куёш коллекторлари) ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона Хитойнинг «HANGZHOU ZHONGMU ELECTRONIC METERS CO.LTD» ҳамда Жиззах ҳудудий электр тармоқлари ва «Электрон ҳисоблагич» МЧЖ корхоналари маблағларни эвазига барпо этилди.

— Лойиҳанинг умумий қиймати 3 миллион 345 минг АҚШ долларини ташкил эта-

ди, — дейди кўшма корхона раҳбари ўринбосари Зухридин Парносов. — Ишлаб чиқарилаётган ускуналаримиздан нафақат сувни қиздиришда, балки уй-жойларни иситишда ҳам фойдаланиш мумкин. Бир йилда 50 минг донадан зиёд шундай ускуналар тайёрлаш имконига эгамиз.

Бутун дунёда электр-энергия манбаларига эҳтиёж ортаётган бир пайтда «куёш коллекторлари» деб ном олган бундай ускуналар газ ва электр сарфини тежаш ҳамда исстеъмолчи-

ларнинг коммунал харажатларини қисқартиришга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

— Махсус индустриал зона ҳудудда яна тўртта корхона ишга туширилади, — дейди «Жиззах» МИЗ давлат унитар корхонаси директори Алижон Абдуллаев. — Жумладан, полипропилен қувурлар ва уларни туташтирувчи қисмлар, металл профиллар, бириктурувчи мосламалар, шурувлар, барча турдаги автомобиль ҳамда темир йўл транспортлари учун эҳтиёт

қисмлар, тормоз колодкалари ва нақладкалари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти йўлга қўйилади. Булардан ташқари йил охиригача телекоммуникация ускуналари, уяли алоқа воситалари, модемлар, оптик тизимлар учун эҳтиёт қисмлар тайёрлайдиган яна олтинчи лойиҳани амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Ишга туширилган дастлабки корхонага Хитойда ишлаб чиқарилган замонавий ускуна ва дастгоҳлар ўрнатилган. Иш жараёنлари компьютерлар орқали бошқарилади. Ҳозир бу ерда 40 янги иш ўрни яратилди. Ишга жойлашганларнинг аксарияти касб-хўнар коллежлари битирувчиларидир.

Иброҳим ЖОНУЗҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАДБИР

Сифатли хизмат аҳолининг ишончини мустаҳкамлайди

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Германиянинг халқаро ҳамкорлик бўйича жамғарма кассалари фонди ҳамкорлигида «Мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш масаласига бағишланган» давра суҳбати ташкил этилди.

— Бугунги кунда Президентимиз раҳнамолигида ишончини ва мустақил миллий банк-молия тизимини яратиш, аҳолининг банк муассасаларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш ва уларнинг молиявий саводхонлигини оширишга йўналтирилган изчил ислохотлар ўзининг самарасини бермоқда, — дейди Республика Марказий банки раиси ўринбосари Аҳад Хайдаров. — Бунда давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»-ги қарори муҳим дастуриямал бўлиб хизмат қилмоқда. Маълумки, мазкур ҳужжатда 2014-2015 йилларда аҳоли ва хўжалик субъектларининг тижоро-

рат банкларидаги депозитлари ҳажми 2,5 мартага ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, улар банкларда миқдорли етиш, жамғармалар бўйича молиявий концепцияларни ишлаб чиқиш бўйича ўз мамлакатидан тўпланган тажрибалар ҳақида сўзлаб берган. Уларнинг фикр-мулоҳазаларига кўра, банк ахборот-маслаҳатчиларининг фаолияти фақат миқдорларга хизматлар тақлиф этиш ва хизмат кўрсатиш билан чекланиб қолмаслиги, янги миқдорларни жалб этиш ва улар билан ишлашга эътибор қўйиштирилиши лозим. Улар билан ўтказилган мулоқотлар муносабатларни такомиллаштириш, миқдорли базасини кенгайтириш, уларнинг ёши, эҳтиёж ва даромадларини сегментлаш, узоқ мuddатли ҳамкорликни мустаҳкамлашга шароит яратиш керак.

— Ушбу давра суҳбатини ташкил этишдан асосий мақсад маҳаллий ҳамкорлар билан биргаликда

тижорат банклари томонидан аҳолига халқаро андозаларга мувофиқ молиявий хизматлар кўрсатишнинг янги йўналишларини муҳокама қилишдир, — дейди Шарқий Германия жамғарма кассалари уюшмаси президенти Михаел Эрмрих. — Ташрифимиз мобайнида Ўзбекистоннинг айрим вилоятларига сафар қилдик. Фикримча, банк муассасаларининг миқдори кўпайиб бос аҳолига хизмат кўрсатиш имконияти каттадир. Хусусан, банклар томонидан аҳолига хизмат кўрсатиш индикаторлари жиҳатидан Ўзбекистонда банк хизматларидан фойдаланиш даражаси индикатори ҳар юз минг (катта ёшли) аҳолига тўғри келадиган банк муассасалари сони 500 тани ташкил этади. Бу яхши кўрсаткич.

Давра суҳбатида банк-молия тизимига тегишли бошқа масалалар бўйича ҳам фикр-мулоҳазалар алмашилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Сабъ-ҳаракатлар кучайтирилмаса,

аҳвол янада оғирлашади

Фарбий Африкадаги эпидемик аҳволга қарши жаҳон жамоатчилиги томонидан жиддий чора кўрилмас экан, унинг тарқалиш даражаси назоратга олинмас экан, жорий йилнинг ноябрида Эбола вирусини ўзига юқтирган ва ундан нобуд бўлганлар сони 20 мингга етиши мумкин. Бу эса Фарбий Африкадаги эпидемик ҳолатни янада оғир аҳволга солиб қўяди.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳамда Лондон қироллик коллежи экспертлари яқинда шундай оғохлантириш билан «The New England Journal of Medicine» журналида чиқиш қилдилар.

Яна 4 ойдан кейин Эболага чаплинганлар сони 550 минг кишига етиши эҳтимолдан ҳоли эмаслиги бугунги вазиятдан кўриниб турибди.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти эпидемиолог Кристофер Дайнинг айтишича, ўтган йилнинг декабрида Гвинеяда бошланган вирусдан бугунги кунда умумий ҳисобда 2,8 минг киши нобуд бўлди, 5,8 минг киши эса бу вирусни ўзига юқтирган. Уларнинг асосий қисми Гвинеядан ташқари Либерия ва Сьерра-Леонеда яшашади. Сьерра-Леонеда яқиндаги уч кунлик карантиннинг ўзида 92 киши ҳаётдан кўз юмганлиги аҳвол нақадар ачинарли эканлигини тасдиқлайди.



Фарбий Африкадаги бу уч давлат аҳолиси умумий ҳисобда 22 миллион кишини ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, бугунги аҳволнинг жиддийлиги ҳақида тасаввурларимиз янада ойдинлашади.

— Бугунги вазият учинчи эпидемик портлаш ҳолатида турибди, — дея оғохлантиради Лондон қироллик коллежи профессори Кристл Доннелли. — Айни пайтда бир ҳафтада юзлаб одамларга вирус юқмоқда. Агар тезкор чора кўрилмаса, бу рақам мингларга айланиши аниқ. Бу эса бугунги фавқулодда вазиятни ҳалокат ҳолатига ақинлаштириши мумкинлигини унутмайлик.

Эслатиб ўтамиз: жорий йилнинг 22 сентябридан Фарбий Африка мамлакатларида БМТнинг махсус халқаро миссияси Эбола безгаги тарқалишига қарши кураш чораларини бошлаган.

Сув остида

товуш тезлигида

Хитойлик олимлар Шанхайдан Сан-Францискога (оралик масофа 10 минг километр) 100 дақиқада етиб борадиган, яъни товуш тезлигида ҳаракатланадиган сув ости кемаси яратишга киришди.

Хитойлик олимлар ўтган асрнинг 70-йилларида яратилган техноло-



ги янада мукамаллаштириши мақсад қилган. Олимлар торпедо тушмуғи олдидан сув қаршилигини энгис учун пуфакчалар ҳосил қилиш технологиясини яратишганди. Бунинг ҳисобига торпедо тезлиги соатига 500 километрга етганиди.

Хитой муҳандислари эса сув ости кемаси тезлигини товуш тезлигига етказиш учун кема тушмуғи олдидан жуда ҳам кўплаб пуфакчалар ҳосил қилиш технологиясини яратиш устида ишломқодалар ва агар унинг урдасидан чиқсалар субмарина соатига 5,8 минг километр тезликда ҳаракатлана олади. Бу Шанхайдан Сан-Францискогача бўлган масофани 1 соатдан сал ортиқроқ вақтда ишғол қилиш мумкинлигини англатади.

СПОРТ

XVII ёзги Осиё ўйинларида

Ўзбекистон спортчилари тўққизта олтин, ўн тўртта кумуш ва йигирма битта бронза медалига сазовор бўлдилар

Қитъамиз спорт мухлисларини икки ҳафтадан зиёд вақт мобайнида ҳаяжонга солган XVII ёзги Осиё ўйинлари ниҳоясига етди. Мусобақаларда дунёнинг қирқ беш давлатидан 13 минг нафардан зиёд спортчи 36 спорт тури бўйича жами 576 та медаллар шодаси учун кураш олиб борди. Унда 37 мамлакат вакилларига голиб ва совриндорлар сафидан жой олиш насиб этди.

Этиборлиси, ўн еттита жаҳон рекорди ўрнатилди, ўн саккизта Осиё ва бир юз йигирма саккизта Осиё ўйинлари рекорди янгиланди.

Кутилганидек, умумжамоа ҳисобида энг кўп (151 олтин, 108 кумуш ва 83 бронза) медал хитойликларга насиб этди. Жанубий Корея ва

Япония спортчилари иккинчи ҳамда учинчи ўринни эгаллади.

Ҳамюртларимиз қирқ беш мамлакат вакиллари орасида умумий жамғарилган медаллар сони бўйича тўққизинчи ўриндан жой олди.

Кунни кеча Тошкент халқаро аэропортида Ўзбекистон спорт делегацияси

аъзолари ота-оналар, мутахассислар, мухлислар, журналистлар ва кенг жамоатчилик томонидан тантанали кутиб олинди.

— Таэквондо — Шарқ яқинида турларидан саналади, — дейди XVII ёзги Осиё ўйинлари голиби **Жасур Бойқўзиев (87 кг)**. — Агар шунинг ҳисобга олинса, Инчеонда кечган баҳсларнинг ҳеч бири осон ўтмаганини тасаввур қилиш қийин эмас. Мусобақага пухта ҳозирлик кўришимиз учун давлатимиз томонидан зарур шарт-шароитлар яратиб берилгани боис беллашувларда муносиб қатнашдик. Осиё ўйинлари тарихида илк мартаба таэквондо бўйича олтин медални қўлга киритганимдан жуда хурсандман. Мақсадим — 2016 йили Рио-де-Жанейрода бўладиган XXXI ёзги Олимпия ўйинларига йўланмани қўлга киритиб, унда муваффақиятли қатнашишим. Инчеонда кўлга киритган галабам эса ана шундай нуфузли мусобақа олтидан менга катта куч бағишлаши шубҳасиз.

Осиё ўйинларида чинакам маҳорат кўрсатган мамлакатимиз энгил атлетикачилари иккита олтин, иккита кумуш ва учта бронза медални қўлга киритиб, мутахассис ва мухлислар ишончини оқлашди.

— Қандай мусобақада қатнашимиздан катти назар



ўз олдимга фақат юксак мақсадларни қўйишга одатланганман, — дейди энгил атлетика бўйича **ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони, Осиё ўйинлари голиби Светлана Радзивил**. — Бундан тўрт йил аввал Гуанчжоуда ўтказилган баҳсларда шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олгандим. Спортда голиб чиқиш қанчалик қийин бўлса, чемпионлиқни сақлаб қолиш унданда машаққатлидир. Инчеонда ўтган мусобақалар рақобат анча ортанлигини кўрсатди. Шунга қарамай, Ватаним учун олтин медални қўлга киритиб, ўз фарзандлик бурчимни бажарганимдан мамнунман. Биз спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган давлатимиз ва халқимизга ўз ташаккуримни билдираман. Осиё ўйинларида мухлис-

лар боксчиларимиздан олтин медални қўлишгани. Аммо яқунда «чарм қўлқоп» усталари иккитадан кумуш ва бронза медаллари билан кифояланишди. Шунингдек, дзюдочиларимиз ҳам Инчеон гиламларида ўз имкониятларидан паст даражада беллашдилар.

— Осиё ўйинлари олтидан барча спорт турлари бўйича терма жамоаларимизга юқори натижаларни қўлга киритиши учун етарли шарт-шароитлар яратиб берилди, — дейди **Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси вице-президенти Фарҳод Турдиев**. — Тўғри, Инчеонда бокс, дзюдо, сузиш, теннис бўйича қўлга киритилган кўрсаткичлар қайд этилмади. Бу эса мазкур спорт турлари бўйича ҳали қилма-қил юмушларимиз талайгина эканлигини кўрсатиб

берди. Олтинда янада мухим ва нуфузли мусобақалар кутиб турибди. Осиё ўйинлари мамлакатимиз спортчиларининг 2016 йили Рио-де-Жанейрода бўладиган ёзги Олимпия ўйинларидан ўз имкониятларини синовдан ўтказиб олишлари учун ўзига хос тажриба мактаби вазифасини ўтади. Шу боис Инчеонда эришилган натижаларни қайта-қайта таҳлил қилиб, зарур чора-тадбирларни амалга оширишга ҳаракат қиламиз.

Мамлакатимиз спорт делегациясини тантанали кутиб олиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов иштирок этди.

Эркин ХОЛБОБО, Ўзбекистон овози» мухбири.



Кеча пойтахтимиздаги Республика Олимпия заҳиралари теннис мактаби кортларида аънанавий «Челленжер — 2014» халқаро турнири бошланди. ATP International туркумига кирувчи ушбу мусобақа юртимизда еттинчи бор ўтказилмоқда.

«Челленжер — 2014» халқаро турнири

Мукофот жамғармаси 125 минг АҚШ долларини ташкил этувчи мазкур нуфузли мусобақада Россия, Италия, Украина, Франция, Словакия, Испания, Хиндистон, Чехия, Сербия, Хитой Тайпейи, Германия, Таиланд, Жанубий Корея, Япония, Бельгия, Канада, АҚШ, Янги Зеландия каби йигирмадан ортқ давлатдан ташриф буюрган ракетка усталари голиблик учун кураш олиб бормоқда.

Юртимиз теннисчилари учун ўзига хос тажриба ва маҳорат мактаби вазифасини ўтаётган халқаро турнирда мамлакатимиз шарафини теннисчиларимиздан Фаррух Дўстов, Санжар Файзиев, Темур Исмоилов, Жўрабек Каримов ҳамда Шонигмат Шофайзиевлар ҳамда қилмоқда.

Куръага кўра, кеча яққалик баҳсларнинг дастлабки босқичида Темур Исмоилов — Евгений Донской (Россия), Санжар Файзиев — Адриан Маннарино (Франция), Жўрабек Каримов — Александр Кудрявцев (Россия), Фаррух Дўстов — Радун Албот (Молдова), Шонигмат Шофайзиев — Ти Чен (Хитой Тайпейи) жуфтликлари кортага чиқдилар.

Шунингдек, теннисчиларимиз жуфтликлар мусобақасида ҳам ўз омадларини синая қўришди. Жумладан, Санжар Файзиев ва Темур Исмоилов «дуэти» италиялик Андреа Арнаболди ҳамда Риккардо Геддин жуфтлиги билан куч синаяди.

Самандар БОБОРАЖАБОВ, ЎзДЖТУ талабаси.



Ушбу олтин суратлар.

ХУДУДИЙ ИСЛОҲОТЛАР

«Соғлом бола йили» муносабати билан Денов туманидаги «Водий» маҳалласида «Мехригё даво» хусусий тиббиёт маскани фойдаланишга топширилди.

Янги тиббиёт маскани

Туман марказидан қарий 5 километр олдида жойлашган мазкур тиббиёт маскани қурилишига 300 миллион сўм маблағ сарфланган бўлса, яна шунча маблағ эвазига энг сўнгги русумдаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар келтирилди.

— Кўплаб хорижий мамлакатларда бўлганман, — дейди **меҳнат фахрийси, ЎзХДП аъзоси Саттор Чўтбоев**. —

Уша давлатлардаги шароитларга ҳавасимиз келарди. Мустақиллик шарофати билан ўзимизда ҳам тиббиёт соҳаси кун сайин ривожланиб бормоқда. «Мехригё даво» тиббиёт марказида ҳам барча шарт-шароитлар мужассам. Шундай мажмуани бунёд этган фидойи ва ташаббускор инсонларга раҳмат.

— Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом тур-

муш тарзини шакллантириш мамлакатимиздаги ислохотларнинг асосини ташкил қилади, — дейди **тиббиёт маскани раҳбари Ойсанам Бойматова**. — Кейинги йилларда соғлиқни сақлаш тизимига илғор, замонавий тажрибаларнинг татбиқ этилаётгани ҳам бунинг ёрқин исботидир. Бу ерда беморларнинг ётиб довланишлари учун алоҳида хоналар ташкил этилган. Лаборатория, физиотерапев хоналари ишлаб турибди. Мўъжаз ошхона беморлар ихтиёрида. Маскан иш бошлаши билан 16 нафар тиббиёт ходими янги иш ўринларига эга бўлди. Келажакда дорихона, спорт билан шуғулланиш учун махсус машқ майдончаси бунёд этганмоқчимиз.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Экспорт ҳажми ортиб, аҳоли бандлигини таъминлаш имкониятлари кенгаймоқда

Мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ва юқори суръатларда ривожлантириш, унинг экспорт салоҳиятини юксалтириш халқимиз ҳаёт даражасини янада кўтаришда муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, кўплаб янги иш ўринлари ташкил этилиб, аҳоли бандлигининг таъминлигини турмушимиз тобора фаровонлашиб боришига хизмат қилади. «Ўзмилийбанк» ҳузурида бир йил муқаддам ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси бу жараёнда фаол иштирок этмоқда.



Шавкат Айтбоев, «Тўрткўл тупроғи» оилавий корхонаси раҳбари: — Бозор муносабатларига ўтиш, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишдаги соғлом рақобат сифат, нарх масалаларини долзарб қилиб қўймоқда. Айниқса, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, маҳсулотларимизнинг жаҳон бозорига чиқиши ва мустаҳкам ўрин эгаллашига эришиш тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

Бизнинг корхонамиз жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси филиали ҳуқуқий ва ташкилий кўмағида хориждан ҳамкорлар топиш, фаолият

Руслан Абдуллаев, «Питнак оҳак тайёрлов» МЧЖ раҳбари:

— Бугунги кунда маҳсулотларини экспорт қилувчи кичик бизнес субъектларига имтиёزلар ва қўлайликлар яратилган. Биз ҳам ана шу имтиёزلар туфайли ўз фаолиятимизни бошлашга муваффақ бўлдик. Бунда жамғарманинг Хоразм филиали томонидан ўтказилган учрашувлар қонид мамлакатимизда яратилган қўлай ишбилармонлик муҳити, хориждан ҳамкорлар топиш борасида кўрсатилган ётган ташкилий ва ҳуқуқий ёрдам ҳақидаги маълумотдан бохабар бўлганимиз қўл келди. Натижада филиал мутахассислари кўмағида кўшни давлатлардан ҳамкор топиб, экспорт бўйича шартнома тузишга эришдик. Мазкур шартнома бўйича 260 минг АҚШ доллари миқдоридида оҳак маҳсулотлари етказиб берамиз. Келгусида ишлаб чиқариш соҳасини янада ривожлантириб, экспорт ҳажмини оширишни режалаштирганмиз. Бунда, албатта, филиал кўмағидан фойдаланамиз.

Мухтасар айтганда, жамғарма ташкил топгандан буён ҳозирга қадар жами 667 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектига кўрсатган ҳуқуқий-молиявий ва ташкилий қўмағида самараси ўлароқ жами 678,6 миллион АҚШ доллари тенг маҳсулот экспорт қилинди ва хизматлар кўрсатилди. Жорий йил якунига қадар эса бу кўрсаткични 1 млрд АҚШ доллари етказиш режалаштирилган.

Алишер РЎЗИЕВ, Ўзбекистон овози» мухбири.

Хизматлар лицензияланган.

ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА

Маҳаллалар обод бўлмоқда

«Богизагон» маҳалласи Тайлоқ туманининг сўлим гўшларидан бири ҳисобланади. Бу ерда ҳақиқий соҳибкорлару боғбонлар яшайди, меҳнат қилади, мўл-кўлчилик яратаяди. Ҳар бир оилада тўқинчилик, фаровонлик. Хонадонларда кунда, кунро тўй-томоналар. Буларнинг ҳаммаси меҳнатсеварликнинг, тотув ва иноқликнинг натижаси, албатта.

— Маҳалламизда 3389 нафар аҳоли яшайди, — дейди «Богизагон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси **Ҳамза Худойкулов**. — Яқинда маҳалламизда тикувчилик цехи очилди. Натижада 6 янги иш ўрни яратилди. Уларнинг 4 нафарини касб-ҳунар коллежи битирувчи ташкил этгани барчани бирдек қувонтирмоқда. Аҳолимиз озик-овқат маҳсулотлари харид қилиш учун узоққа бори-

шнинг ҳожати йўқ. Бозор ва кўплаб дўконлар улар хизматида. Аслида картошка, сабзи, пивё, олма, анор, мева ва сабзавотлар ҳар бир хонадоннинг ўз томорқасидан чиқади.

Хусусан, маҳаллада шу пайтга қадар 4 новвойхона фаолият кўрсатиб келарди. Энди улар сафига замонавий технологиялар асосида қолипни нон тайёрлайдиган яна бир янги корхона қўшилди. Унинг ёнида эса

гўзаллик саломи, сартарошхона, этикдўзлик ва соатсозлик каби маъиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият кўрсатмоқда.

Кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиш, уларга ижтимоий кўмак беришда маҳалла ҳаммиси кўмакдош. Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида маҳалладаги кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Хуллас, барча ишларда маҳалланинг, унинг фаолларининг ўз ўрни бор. Бу эса ҳар бир оила фаровонлигига хизмат қилмоқда.

Ўз мухбиримиз

MUASSIS:
XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Musliliddin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxonа — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonа manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
G — 1059
11315
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'ZA yakuni — 23.55
Topshirilgan vaqti — 00.55
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Erkin XOLBOBOYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV
ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5